

## **Клиник ординатурада ўқитиши ҳолати, камчиликлар ва истиқбол режалар.**

Маърузачи: Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Ж. Матмуродов

Тошкент тиббиёт академиясида клиник ординаторларнинг ўқиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги 319-сон қарорининг 2-иловасидаги “Клиник ординатура тўғрисида Низом” га, шунингдек Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган врачлик мутахассисликлари номенклатураси бўйича, ихтисослик талаблари асосида тузилган ўқув режа ва дастурига мувофиқ амалга оширилади.

Ўқитиши грант ва контракт асосида ажратилган ўринлар асосида олиб борилади. Ўқитиши тўловини стипендиясиз ва стипендияли амалга ошириш мумкин. Ҳозирги кунда йиллик контракт тўлов стипендиясиз 8870000 сўм микдорда белгиланган. Ўқитиши кундузги шаклда, асосий иш жойидан ажралган ҳолда амалга оширилади. Ўқитиши муддати 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб қабул қилинганлар учун кардиология 3 йил, эндокринология 3 йил, акушерлик ва гинекология 3 йил, хирургия 3 йил, пластик жарроҳлик 4 йил, нейрохирургия 4 йил, юз-жағ хирургияси 4 йил ва қолган бошқа мутахассисликлар қоидага кўра 2 йил, бу мутахассислик бўйича врачлик меҳнат стажига қўшилади.

Клиник ординатураги грант ва мақсадли ўринларда ўқиганларга (грант ва контракт туридан қатъи назар) 3 йил туарар жойларида тўлиқ ишлаб берганларидан сўнг сертификатлар берилади. Эркин танлов бўйича тўлов-контракт асосида клиник ординатураги битирганлар мустақил равишда меҳнат шартномаси бўйича ишга жойлашиш хуқуқига эгадирлар.

Академияда барча мутахассисликлар бўйича фан дастурлари тайёрланган ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган. Дастур бўйича умумий юклама соати 4752 соат, шундан ўқув юклама соати 3168 соат, мустақил шуғулланиш 1584 соат. Барча клиник ординаторлар 2 йил давомида “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” фанини 72 соат ўқишиади. Ижтимоий фанлар кафедраси ходимлари томонидан ҳафтанинг ҳар душанба куни дарсдан кейин ўқитилади. Ҳар бир клиник ординатор учун раҳбарликка 100 соат ажратилади.

Республика бўйича 57 та мутахассислик бўйича клиник ординаторлар ўқитилади. ТТАда 43 та мутахассислик бўйича клиник ординаторлар тайёрланади. 2019/2020 ўқув йилида янги очилган мутахассисликлар урология, умумий онкология, педиатрия, нефрология (гемодиализ билан), нутрициология йўналишларидир. Ҳозирги кунда академияда 412 нафар клиник ординатор таҳсил олмоқда. Шундан 1 курс-182 нафар ва 2 курс -230 нафар. 8 нафар клиник ординаторлар чет эл фуқароларидир, асосан Қозогистон Республикаси ва Россия Федерацияси.

2019/2020 ўқув йили учун академияга жами 233 та ўрин ажратилган эди, 50 та грант ўрин ва 183 та контракт ўринлар. 12 та грант ўрин ва 115 та контракт ўринлар эркин ўринлардир, 38 та грант ва 68 та контракт ўринлар

мақсадли вилоятлар учун ажратилған ўринлардир. Мақсадли ўринлар Тошкент, Жиззах, Сирдарё, Хоразм, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларига ажратилди. Клиник фармакология ва реабилитология мутахассисликлари бўйича умуман хужжат топширилмади. Конкурс юқори бўлган мутахассисликлар оториноларингология, акушерлик ва гинекология, тиббий радиология, неврология, лаборатория иши, урология йўналишларидан.

2019 йил сентябрда 126 нафар клиник ординаторлар тугатди ва уларга сертификатлар тайёрланди. Факат эркин ўрин асосида контракт бўйича таҳсил олган клиник ординаторларга сертификатлар берилади. Қолган клиник ординаторлар сертификатни 3 йил ишлаб берганларидан кейин олишади.

Барча мутахассисликлар бўйича клиник ординаторлар ярим йиллик ва йиллик аттестациядан ўтказилади. Мутахассисликлар бўйича клиник ординаторларнинг ярим йиллик ва йиллик ҳисоботлари барча кафедраларда ўтказилган ва хужжатлари бўлимга тақдим этилган.

Камчиликлар ва истиқбол режалар:

1. Клиник ординатура бўлим мини алоҳида бўлим сифатида шакллантириш ва бўлим бошлиғи билан бирга услубчи лавозимини киритиш. (Академия структураси учун берилган таклифда кўрсатиб ўтилган).
2. Клиник ординаторларга фақатгина лозим деб топилган умумий цикларни ўқитиши, булар: валеология ва клиник фармакология. Акс ҳолда клиник ординаторларга ўзининг мутахассислиги бўйича шуғулланишига камроқ вақт ажратилади ва бу мутахассислик бўйича таълим сифатига таъсир қиласи.
3. 2020/2021 ўқув йили учун қабул Комиссияси жараённида берилган мутахассисликлар бўйича барча кафедралардан масъул ходимларни жалб этиш.
4. Россия Федерациясининг нуфузли тиббиёт олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма дастур тузиш ва ушбу дастурга мувофиқ клиник ординаторларни тайёрлаш.
5. Клиник ординаторларни чет эл нуфузли тиббиёт олий таълим муассасаларига малака оширишга юборишни жадаллаштириш.